

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чуст туман прокурори ёрдамчиси Б.Зиёвиддинов, А.Иброхимжонов ва жабрланувчи А.Рахмоновнинг иштирокида, Иброхимжонов Азизбек Акмалжон ўғлига нисбатан 1-1611-2202/126-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Иброхимжонов Азизбек Акмалжон ўғли 2002 йил 12 октябрда Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Чуст туман, “Чустнон-Дўстларобод” МФЙ, Маданият кўчаси, 39-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 13 апрелда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2022 йил 15 апрелда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 10 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Иброхимжонов 2022 йил 12 апрель куни соат 23:00ларда фуқаро А.Рахмоновга тегишли бўлган “Дамас” русумли 50 Y 830 RA давлат рақамли автомашинани Чуст тумани “Чустнон-Дўстларобод” МФЙ, Маъданият кўчасида яшовчи А.Акбаровнинг яшаш хонадони олдида қаровсиз қолдирилганини билиб, автомашина орқа эшиклари очиқ қолганидан фойдаланиб, салон ичидаги “бардачоги”да бўлган бир жуфт калитлар ёрдамида автомашинани ўт олдириб, олиб қочиб кетган.

Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида “Дамас” русумли 50 Y 830 RA давлат рақамли автомашина, А.Иброхимжонов бошқарувида Тўрақўрғон тумани, “Қодиробод” МФЙ худудидаги ички йўлдан топилган.

Судланувчи А.Иброхимжонов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2022 йил 12 апрель куни устози “Фарход” билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, соат 22:00 ларда уйига пиёда қайтаётиб, кўчада турган сариқ рангли Дамас автомашинасини бошқариб кетмоқчи бўлиб, олд эшикларини очиб кўргани, аммо очилмагани, сўнг уйига кириб юз-қўлини ювиб яна қайтиб чиққани, Дамас автомашинасининг орқа эшигини очиб кўрганида очилгани,



автомашинага ўтириб, бардачогидаги қалитлар билан юрғизиб кўрганида автомашина юргани, уни бошқариб катта йўл бўйлаб Тўрақўрғон тумани, “Қодиробод” маҳалласи худудидаги гилосзор ёнидан ўтган йўл бўйлаб бошқариб боргани, “Нексия-2” русумли автомашина ҳалокат чироқларини ёқиб турганини кўриб ёрдам бериш учун тўхтагани, автомашина ичида телефон аппаратлари антенасини тўғрилайдиган таниш бола ўтиргани, у телефон антенасини тузатиш учун келганини айтгани, унга ёрдамлашгани, сўнг автомашина ичида ухлаб қолгани, автомашина ичига чироқ ёруғи тушган пайти уйғонгани, 2 нафар ИИБ ходими келиб ким эканини сўрагани, аввалига уларни алдагани, улар автомашинани расмга олиб кимгадир ташлаб беришгани, жавоб келгандан сўнг автомашина қидирувда эканини айтишганида кўрқиб кетгани, автомашинани бошқариб қайтариб олиб келмоқчи бўлгани, сотиб юбориш ёки бошқа нияти бўлмагани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қайтиб бу ҳолат такрорланмаслиги, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи А.Иброхимжонов суддаги кўрсатувида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уни жинойт содир этганликдаги айби, қуйидаги объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган. Жумладан;

жабрланувчи А.Рахмоновни суд мажлисидаги, 2022 йил 12 апрель куни ўзига тегишли бўлган “Дамас” русумли 50 Y 830 RA давлат рақамли автомашинани газ қуйиш учун уйдан бошқариб чиққани, лекин ортига қайтиб, йўлда “Одилжон” ва “Алижон” исмли қўшнилари кўриб гаплашиш учун тўхтагани, автомашинанинг олд ва ўрта эшикларини кулфлаб “Алижон” аканинг яшаш хонадони олдида қолдириб улар билан гаплашиб ўтириш учун 3 киши “Алижон”нинг яшаш хонадонига киришгани, соат 23:30 ларда у ердан чиқишганида автомашина йўқ эканини кўргани, ҳамма танишларидан “ҳазиллашиб олмадингизми” деб сўраб чиққани, аммо олмаганини айтганидан сўнг ўзи қидириб кўргани, бироқ натижа бўлмагач ИИБга мурожаат қилгани, тахминан бир ярим соат вақт ўтганидан сўнг автомашина топилгани, уни маҳалладоши А.Иброхимжонов олгани маълум бўлгани, агар қўшниси олганини билганида ИИБга мурожаат қилмаган бўлиши мумкинлигини, автомашинага зарар етмагани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи қамалиб кетишини хохламаслигини билдириб, берган кўрсатуви билан;

гувоҳ И.Шомухаммедовнинг суддаги, 2022 йил 12 апрель куни соат 22:30 ларда ухладан олдин ташқари кўчага чиққани, қўшниси Алижоннинг уйи олдида қўшниси А.Рахмоновнинг “Дамас” автомашинаси тургани шундан сўнг уйига кириб ухлашга ётгани орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан унга қўшниси Алижон телефон қилиб, “ака мабодо уйингизни олдида турган Азизбекнинг автомашинасини ҳазиллашиб уйингизга олиб кириб қўймадингизми” деб айтгани, уларни бошида ҳазиллашяпти деб уйлагани, лекин тегмаганини



айтгани, шу билан уйқуси бузилиб ташқарига чиққанни, ташқарида қўшнилари Алижон автомашина эгаси Азизбек ва Одилжонлар танишларига телефон қилиб ўтирган эканини кўргани, кейин улар билан билан салом-алик қилиб нима бўлаётганини сўраганида уйининг олдида тахминан 1 соат олдин турган “Дамас” автомашинани номаълум шахс олиб қочиб кетганини айтишгани, шундан сўнг А.Рахмонов ИИБ ходимларига хабар бергани, А.Рахмонов автомашинасини қидириб топиш учун қўшнилари билан автомашинада кўчаларни айланишни бошлаб, улардан тепадан жойлашган “Шоён” қишлоғи томонга кетаётганларида А.Рахмоновга автомашинаси топилгани ҳақида хабар келгани, у ерга боришганида А.Рахмоновнинг автомашинасини қўшниси А.Иброхимжонов олиб кетганини билгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Акбаровнинг суддаги, 2022 йил 12 апрель куни соат 21:30 ларда унинг яшаш хонадонига А.Рахмонов ва О.Олимов келишгани, А.Рахмонов “Дамас” автомашинасини унинг яшаш хонадони ташқарисида қолдириб, эшикларини кулфлаб уйга кириб кетишгани, тахминан соат 23:30ларда ташқарига чиқишганида А.Рахмоновнинг “Дамас” автомашинаси қўйган жойида йўқлигини билганлари, А.Рахмонов ўзининг танишларига телефон қилиб автомашинаси ҳақида суриштиргани, ўзлари тахминан ярим соатдан кўпроқ қидиришгани, бироқ топа олмаганларидан сўнг А.Рахмонов ИИБ ходимларига автомашинасини номаълум шахслар ўғирлаб кетгани ҳақида хабар бергани, орадан тахминан 1 соат вақт ўтиб, ИИБ ходимлари автомашина топилгани ҳақида хабар айтганлари, у ерга боришганида А.Рахмоновнинг автомашинасини қўшниси А.Иброхимжонов олиб қочиб кетганини билганлари ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, жабрланувчи А.Рахмоновнинг Чуст туман ИИБ бошлиғи номига ёзган аризаси (ж.и 3 и.в), ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унинг фото иловалари (ж.и 4-12 и.в), дактилоскопик экспертиза хулосаси (ж.и 38-43 и.в), экспертмент ўтказиш баённомаси (ж.и 46-48 и.в), олинган ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Иброхимжоновнинг жабрланувчи А.Рахмоновга тегишли бўлган “Дамас” русумли 50 Y 830 RA давлат рақамли автомашинани қаровсиз қолдирилганидан фойдаланиб, яширин равишда олиб қочганлик билан боғлиқ жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли Қарорининг 1-бандида судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисмига мувофиқ транспорт воситаларини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши



лозим. Ушбу жиноят айбдор шахс томонидан транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи А.Иброхимжоновни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт” деб, 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деб кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, А.Иброхимжоновга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий ва моддий аҳволи оғирлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” бандига асосан умумий тартибли колонияларда ўтатиришни лозим деб топди.

Шунингдек, ашъвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган икки дона калитларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи А.Рахмоновга қайтаришни;

-жиноят ишига қўшилган бармоқ излари наъмуналарини иш ҳужжатларига қўшиб салашни;

-жабрланувчи А.Рахмоновни судланувчи А.Иброхимжоновга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Иброхимжонов Азизбек Акмалжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Иброхимжонов Азизбек Акмалжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2022 йил 13 апрель кунидан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Судланувчи А.Иброхимжоновга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи А.Рахмоновни судланувчи А.Иброхимжановга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашъвий далил сифатида эътироф этилган икки дона калитлар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи А.Рахмоновга қайтарилсин.

Жиноят ишига қўшилган бармоқ излари жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлансин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

И.Жаббаров

**Маъсул судья: Жаббаров Иброхим Султонмуратович**



Ҳужжат имзоланган: Жаббаров Иброхим Султонмуратович, 06.07.2022

